



**СУГОРИЛАДИГАН МАЙДОНЛАРДА АРПА НАВ ВА
НАМУНАЛРНИНГ ҲОСИЛДОРЛИК ВА ДОН СИФАТ
КҮРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ**

Жанубий дәхқончилик илмий тадқиқот иститути

Қўйлиев Нурислом Давронович қишлоқ хўжалиги

фанлари бўйича фалсафа доктори

Исмоилов Аббос Акмал ўғли илмий ходим

Азизов Бекзод Файрат ўғли илмий ходим

Аннотация: Мақолада ҳосилдорлик ва дон сифат кўрсаткичлари бўйича арпанинг назорат кўчатзорида ўрганилган 20 та нав ва тизмалар орасида 9 та тизмада ҳосилдорлик ва дон сифат кўрсаткичлари андоза навлардан юқори бўлган эканлиги тадқиқот натижаларида аниқланди ва селекциянинг кейинги босқичларига ўтказилди.

Калим сўзлар: Арпа нав ва тизмалар, ҳосилдорлик, дон сифат кўрсаткичлари, назорат кўчатзори.

Abstract: In the article, among the 20 varieties and ridges studied in the control nursery of barley in terms of productivity and grain quality indicators, it was found in the results of the research that the productivity and grain quality indicators were higher than the model varieties in 9 ridges and were transferred to the next stages of selection.

Keywords: Barley varieties and ridges, productivity, grain quality indicators, control nursery.

Аннотация В статье среди 20 изученных в контролльном питомнике ячменя сортов и гряд по урожайности и качественным показателям зерна установлено, что продуктивность и показатели качества зерна были выше модельных сортов у 9. гребней и были переданы на следующие этапы отбора.

Ключевые слова: Сорта и гряды ячменя, продуктивность, показатели качества зерна, контрольный питомник.



Кузги арпанинг ҳосилдорлик кўрсаткичини белгилайдиган учта асосий белги бор доннинг катталиги, бошоқдаги донлар сони ва маҳсулдор пояларни зич жойлашуви, ҳозирги қунда селекционер олимлари энг катта эътиборни бошоқдаги донлар сони билан маҳсулдор пояларга эътибор қаратмоқда, селекцион навларни яхшилаш учун аввалло пояни зич жойлашига қаратиш лозим. Чунки, у бевосита атроф муҳит омиларига боғлиқ ҳолатда ўзгаради

Тадқиқотларимизда арпанинг назорат кўчатзордаги нав ва тизмаларимизнинг ҳосилдорлик ва дон сифат кўрсаткичлари бўйича танлаш ишлари олиб борганимизда андоза навнинг дон ҳосилдорлиги ўртacha қайтариқлар бўйича 52 сентинир балган бўлса андоза навга нисбата дон ҳосилдорлиги юқори бўлган тизмалар сони 6 та ташкил қилди. Нав ва тизмаларимизнинг 1000 дона дон вазни бўйича тахлил натижаларига кўра андоза Султон навимизнинг 1000 дона дон вазни 43 г/р бўлган бўлса андоза навимизга нисбатан юқори бўлган тизмалар қуидагилардан иборат KR19_IBYT-W-10, KR20_IBON-W-37 тизмаларни 1000 дона дон вазни 46,6 г/р, KR19_IBON-W-5 тизмасининг 46,8 г/р ва Достойний навимизни 1000 дона дон вазни 47,6 г/р бўлганлиги тахлиллар натижасига кўра аниқланди. Юқорида келтириб ўтилган тизмаларимизни дон натураси ҳам андоза навларга нисбатан юқори бўлди (1-жадвалда кўрсатилган).

1-жадвал.

Суғориладиган ерларда назорат кўчатзорида арпа нав ва намуналри ҳосилдорлик ва дон сифат кўрсаткичлари (Қарши-2024 й).

| № | Нав ва намуналар номи | Ҳосилдорлик, ц/га | 1000 та дон вазни, гр | Дон натураси, гр/л | Оқсил миқдори, % |
|---|-----------------------|-------------------|-----------------------|--------------------|------------------|
| 1 | Султон (ст) | 52,0 | 43,0 | 691,55 | 12,5 |
| 2 | KR19_6thGSBYT-5 | 46,8 | 36,2 | 674,20 | 13,6 |



| | | | | | |
|-------------------------|------------------|-------------|-------------|---------------|-------------|
| 3 | KR19_IBYT-W-10 | 60,0 | 46,6 | 720,19 | 14,5 |
| 4 | KR20_IBON-W-16 | 40,0 | 36,9 | 668,36 | 13,3 |
| 5 | Осиё (ст) | 46,1 | 38,0 | 638,49 | 12,2 |
| 6 | KR19_6thGSBYT-7 | 46,0 | 38,7 | 659,40 | 12,3 |
| 7 | KR19_IBON-W-4 | 46,6 | 35,2 | 651,07 | 12,7 |
| 8 | KR20_IBON-W-20 | 38,3 | 37,8 | 659,03 | 11,6 |
| 9 | Skarb Palmera | 43,4 | 37,5 | 667,40 | 11,4 |
| 10 | KR19_6thGSBYT-11 | 35,2 | 33,3 | 651,23 | 13,0 |
| 11 | KR19_IBON-W-5 | 61,4 | 46,8 | 711,95 | 17,4 |
| 12 | KR20_IBON-W-37 | 58,5 | 46,6 | 705,19 | 15,6 |
| 13 | Достойнь | 58,7 | 47,6 | 706,36 | 14,8 |
| 14 | KR19_IBYT-W-1 | 36,1 | 34,5 | 631,11 | 13,8 |
| 15 | KR19_IBON-W-7 | 50,7 | 38,4 | 680,22 | 11,9 |
| 16 | KR20_IBON-W-41 | 50,8 | 38,1 | 674,99 | 12,0 |
| 17 | Вакула | 57,3 | 45,9 | 712,04 | 15,5 |
| 18 | KR19_IBYT-W-2 | 60,9 | 46,4 | 710,16 | 14,0 |
| 19 | KR19_IBON-W-34 | 41,1 | 37,2 | 674,03 | 12,0 |
| 20 | KR20_IBON-W-52 | 43,0 | 37,8 | 672,84 | 11,7 |
| Үртача күрсаткыч | | 50,6 | 40,6 | 687,38 | 12,9 |



| | | | | |
|----------------------------|-------------|-------------|---------------|-------------|
| Энг юқори кўрсаткич | 60,9 | 46,4 | 712,04 | 15,5 |
| Энг паст кўрсаткич | 41,1 | 37,2 | 672,84 | 11,7 |
| NSR₀₅ | 1,64 | 1,20 | | 0,89 |
| NSR_{05 %} | 3,37 | 2,98 | | 2,94 |
| S | 1,00 | 0,72 | | 0,54 |
| Sv % | 2 | 1,8 | | 1,5 |

Ғ.Курбонов тақидлашича, ғаллачиликда олиб борилган тажрибалардан маълумки, қурғоқчилик табиатда уч хил кўринишда бўлади: 1) Тупроқ қурғоқчилиги 2) Ҳаво қурғоқчилиги 3) Кўшма (ҳаво - тупроқ) қурғоқчилик. Қурғоқчиликнинг ўсимликларга таъсир этиш даврларига қараб баҳорги, ёзги ва узок муддатли (бутун ўсув даврида) бўлиши мумкин. Қурғоқчилик шароитида арпа ўсимлигининг сув режими аста – секин бузилиб боради. Натижада, ўсимлик ҳужайрасида моддалар алмашинуви бузилади, оқибатда бошоқлар сони, бошоқдаги дон сони ва 1000 дона дон вазни камайди.

Ўрганилаётган арпанинг нав ва тизмаларининг донидаги оқсил миқдорини ўрганилганда андоза навларнинг донидаги оқсил қайтариқлар бўйича ўртacha 12,2-12,5% гача бўлганлиги лаборатория тахлиллар натижасида аниқланди. Андоза навлардан донидаги оқсил миқдори юқори бўлган тизмалар сони 9 та ни ташик қилди. Арпанинг назорат кўчатзорида ўрганилган 20 та нав ва тизмалар орасида 9 та барча кўрсаткичлар бўйича андоза навлардан юқори эканлиги тадқиқот натижаларида аниқланди ва селекциянинг кейинги босқичларига ўтказилди.

Хулоса Тадқиқот натижаларига кўра ҳосилдорлик ва дон сифат кўрсаткичлари бўйича 20 та нав ва тизмалар орасидан андоза навлардан донидаги оқсил миқдори юқори бўлган тизмалар сони 9 та ни ташик қилди. Булар KR19_IBON-W-5, KR19_IBYT-W-10, KR19_IBYT-W-2, KR20_IBON-W-37 каби тизмалар ҳосилдорлиги 57-60,9 ц/га ва 1000 дона до вазни 44-46 г, дон



натураси 698-712 г, оқсил миқдори 14-15,5 % гача ташкил этиб андоза навидан юқорилиги билан танлаб олинди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Умирзақов.У., Садмусаев.З., Луков.М. Арпа селекцияси учун курсоқчиликка ва замбуруғли касалликларга чидамли бошланғич манбалари. /Аграр соҳадаги муаммолар ва уларнинг ечимида илм-фаннынг роли. Самарқанд-2015 Б-18-19.
2. Хапилина, О.Н. Молекулярно-генетическая идентификация сортов мягкой пшеницы с использованием ретротранспозонов / О.Н. Хапилина, О.Б. Райзэр // Eurasian Jornal of Applied Biotechnology. DOI: 10.11134/btp. 4 p. 29-35.
3. Ходжакулов Т.Х, Сафаров Т. Ячмени селекции СамСХИ. Сельское хозяйство Узбекистана. 1987.№12. С 22-23.
4. Ходжакулов.Т., Тураев.М. Арпанинг кузги навларини сугориладиган майдонларда етиштириш ва агротехнологиясини ишлабчиқиши. // АгроВест 2014 й 4 сони Б 12-13.